Ушбу сонда:

2 ЎзКУФКда учрашув
ИНСОН БОРКИ, БАХТЛИ ЯШАСАМ ДЕЙДИ

3 ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

4 ШАНБА-ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

2002 йил 9 ноябр, шанба №177 (1394)

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

АҚШ давлат котибининг ўринбосари Лорн Крейнер раҳбарлигидаги делегация аъзолари 8 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида бўлди.

Мамлакатимиз ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Абдулазиз Комилов билан суҳбат чоғида Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлиги ҳар жиҳатдан самарали кечаётгани таъкидланди. Сиёсий, ижтимоий, савдо-иқтисодий соҳалардаги кенг қамровли алоқаларимиз, демократия тамойилларини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, халқаро террорчиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорлик бу фикрнинг яққол далилидир.

Музокара чоғида томонлар бундай ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

(ЎзА).

Наманганнинг қайси туманида бўлманг, мустақиллик йилларида эришилган катта муваффақиятларнинг гувоҳи бўласиз. Жумладан, Поп туманида ҳам сўнгги йилларда анчагина ўзгаришлар содир бўлди. Бу ерда кўплаб маданий-маиший бинолар, қўшма корхоналар, савдо шоҳобчалари, гузарлар, янги лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилиб ишга туширилди. Далаларда эса йил бўйи тер тўкиб қилинган меҳнатнинг самараси бўлган ҳосил йиғиб-териб олинмоқда. «Олтин куз»нинг ҳар бир куни деҳқон учун ҳаводек зарур. Поп-лик заршунослар давлатга бу йил 42 минг тонна пахта топшириб режани муваффақиятли уддаладилар.

Суратда: теримчилар Барчин Мамурова ва Ибодат Салимова.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

САВДО ЯРМАРКАСИ ИШ БОШЛАДИ

Тошкентдаги «Чилонзор» савдо марказида Чилонзор тумани кичик ва ўрта бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорлари маҳсулотлари савдо ярмаркаси ташкил этилди. Доимий фаолият кўрсатувчи ушбу ярмаркада мазкур туман-даги элликдан зиёд корхонада ишлаб чиқарилган сифатли ва бежирим маҳсулотларга кенг ўрин берилган. Бу ерда мебелсозлик, пойабзал, кийим-кечак, озиқ-овқат, маиший кимёга оид товарларни нисбатан арзон нархларда харид этиш мумкин.

- Мамлакатимиз иқтисодиётининг изчил тараққиётида ўрта ва кичик бизнес муҳим ўрин тутади,- деди Чилонзор тумани ҳокими Ҳ.Маҳкамов. - Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, бу соҳани шакллантириш юртимизни янада равнақ топтириш, ёшларни иш билан таъминлаш, ички бозорни сифатли ва рақобатбардош товарлар билан тўлдириш, одамларнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

(ЎзА)

ХИВА–КАРПЕТ

қўшма корхонасида

Унга Германиянинг «Текшиль Роект» фирмаси ва «Хива гилами» ҳиссадорлик жамияти муассислик қилмоқда. Табиийки, ишлар ҳам янгичасига ташкил қилинган. Ҳиссадорлик жамиятининг 25 миллион сўмлик маблағи ҳисобидан 25 киши чет элда ўқиб, малака ошириб қайтди. Боз устига корхонада 500 нафар янги ишчи ўрни очилди. Барча ишлар компьютерлаштирилганлиги туфайли 90 та станокда амалга оширилган ишларни 8 станокда бажариш имкони туғилди. Олдин Хива гилами жундан, беш рангда чиқарилган бўлса, янги корхона маҳсулотлари энди ипакдан, 8 хил рангда чиқабошлади.

Ўзбекистон герби туширилган сержило ипак гиламларга «Мустақиллик» деб ном қўйилди.

Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Юртимизнинг таянч тоғлари

Қорақалпоғистон республикасининг жанубий ҳудудида жойлашган Беруний тумани ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш йўлидан бормоқда. Қалбида яратиш, ватан ва эл равнақи йўлида фидокорона ишлаш ҳиссиётуйғулари жўш урган бу муқаддас заминда аҳолини ижтимоий, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаяпти.

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

Туманда қарийб 1 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 50 ўринли 2 та қишлоқ врачлик пункти, 250 ўринли ёшлар мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шаҳар ичимлик суви тармоқлари «Туямўйин-Нукус» марказига уланганлиги, 2,5 минг иш ўринлари яратилганлиги, ободонлаштириш ишлари кўлами кенгайиб бораётганлиги халқ турмуш фаровонлигини яхшилаш имконини бермоқда. Иш билан таъминлаш давлат жамғармаси ҳисобидан 20 миллион сўм маблағ ажратилди.

Саноат корхоналари томонидан 1 миллиард 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Айниқса, Баҳром Кўшаев раҳбарлик қилаётган пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятининг юмушлари мақтовга сазовор. Бу ерда бошқарув кенгаши билан касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги жамоа шартномасининг муваффақиятли бажарилиши таъминланаяпти. Жамоа шартномасида меҳнатни муҳофазалаш, иш ҳақларини вақтида бериш, ишчилар, инженер-техник ходимларни дам олдириш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш каби масалалар ўз аксини топган.

Қисқа технологияда ишлаётган цехларда чанг ютгичлар ўрнатилган. Ишчиларга бепул сут-қатиқ маҳсулотлари берилаяпти. Дам олиш ва овқатланиш хоналари ишлаб турибди.

Цехларда биринчи ёрдам дори-дармонлар бор. Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун корхона ҳисобидан 500 минг сўм маблағ сарфланди. Нафақага чиққан пенсионерлар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Агросаноат мажмуи ходимлари туман кенгаши ҳузурида меҳнат муҳофазаси комиссияси ишлаб турибди. Белгиланган режага асосан комиссия аъзолари Қирғоқларни ҳимоялаш дамбалари бошқармаси фаолиятини ўргандилар. Жамоада меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар учун 400 минг сўм маблағ сарфланган. Ходимларга 1 миллион 943 минг сўм мукофот пули берилган.

«Ёғғар» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг ташаббуси билан ёш болали оналарнинг иш вақти бир соатга қисқартирилди. Ҳар бир ишчи кунда 500 сўмдан овқат пули билан таъминланган.

«Бандлик» дастурини амалга оширишда Ражаббой Қодиров раислик қилаётган «Беруний» ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитасининг ишлари ибратли. Иқтисодиётида пахтачилик ва чорвачилик етакчи ўринни эгаллаган меҳнат жамоаси сув тақчиллигига қарамасдан шартнома режаларини ошириб уддалади. Ҳар бир пудратчига 1 гектардан ер ажратиб берилган. Олинган фойда ҳисобидан уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар ва кам таъминланган оилалар моддий қўллаб-қувватланди. Касабақўм ва раҳбариятнинг ташаббуси билан хўжалик ҳудудида «Табассум» болалар соғломлаштириш оромгоҳи очилди.

Туман агросаноат мажмуи касаба уюшма қўмитаси раиси К.Қурбонбоеванинг ҳикоя қилишича 38 та юридик мақомга эга ҳиссадорлик жамиятлари, ширкат ва деҳқон-фермер хўжаликларида жамоа шартномалари тузилган. 18611 нафар аъзони бирлаштирган 45 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларига методик ёрдам кўрсатилаяпти.

Тумандаги «Қиётобод» ширкат хўжалиги раҳбарияти ва касабақўм ер сўраб мурожаат қилган 15 кишига 19 гектар экин майдони ажратди. Хўжалик ҳисобидан 22 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари Урганч, Хива, Ҳазорасп, Самарқанд, Бухоро шаҳарларидаги тарихий ёдгорликларни зиёрат қилиб келдилар. Яна бир яхши томони кам таъминланган оилаларда ўтадиган тўй-маросимларга хўжалик ҳисобидан гўшт, ун, ўсимлик ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилди.

Меҳнат Кодексининг 21-моддасида «Меҳнатга оид муносабатларда ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни корхоналардаги касаба уюшмалари ва уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари амалга оширадилар», деб кўрсатилган. Туман касаба уюшма ташкилотлари бу вазифани муваффақиятли адо этиб, экологик вазият мураккаблашган шароитда одамлар келажакка ишонч билан яшашлари учун муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Н.ИСОМУДДИНОВ.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС РИВОЖЛАНТИРИЛМОҚДА

Бизнес фондининг Сирдарё вилоят минтақавий бошқармаси 2002 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида 208 та корхона ва ташкилотга 273 миллиард 279 миллион сўм кредит ажратди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир мунча кўп, демакдир.

Маблағнинг асосий қисми қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантиришга йўлантирилди. Фермер хўжаликларини ривожлантириш учун 148 лойиҳага 176 миллиард 283 миллион сўм ажратилди.

«Туркистон-пресс».

«АГАМА»НИНГ ЭКСПОРТ МАҲСУЛОТЛАРИ

«Агама» давлат трикотаж фирмаси Навоий кон-металлургия комбинати тизимидаги етакчи корхоналардан ҳисобланади. Унинг ташкил этилганига 11 йил бўлди

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларидаёқ корхона хориж технологияси билан жиҳозланган эди. У ташкил этилиши биланоқ маҳаллий хомашёдан экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилди. Маҳаллий кадрлар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилгани боис қисқа вақт ичида «Агама» маҳсулоти жаҳон бозорига чиқди. Айниқса, болалар, аёллар ва эркаклар устки кийимлари, жемпер, пальто, манто каби трикотаж буюмлари харидорларга манзур бўлмоқда.

Ҳозирги кунда «Агама» фирмаси ва унинг Навоий, Учқудуқ, Зафаробод шаҳарларидаги шўъба корхоналарида элликдан ортиқ тур ва андозадаги маҳсулот ишлаб чиқарилиб, Россия ва Қозоғистонга экспорт қилинмоқда. Айни вақтда корхонанинг сифатли маҳсулотлари мамлакатимизнинг ички бозорини тўлдиришда ҳам ўз ўрнига эга. Корхонанинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Андижон шаҳарларидаги «Савдо уй»лари доимо гавжум.

- Маҳсулотни экспорт қилиш иқтисодий аҳволимизни яхшиламоқда,- дейди корхона раҳбари Ҳамиджон Эргашев. - Шу боисдан Франция, Германия ва бошқа давлатларга ҳам маҳсулотимизни экспорт қилиш ниятидамиз. Айни пайтда маҳсулот турларини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш борасида изланяпмиз.

(ЎзА)

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ЯНА БИР ЛОЙИҲА

АҚШ БМТ Хавфсизлик Кенгаши билан муносабатларини тўхтатгани йўқ. Буни президент Жорж Буш маъмурияти Хавфсизлик Кенгашига Ироқ бўйича яна бир янги резолюция лойиҳасини тақдим этганидан ҳам кўришимиз мумкин. Россия ва Хитойнинг таклифи билан янги лойиҳадан АҚШнинг бир томонлама ҳарбий куч ишлатиш мумкинлиги тўғрисидаги моддалар олиб ташланди. Эндиликда бу масала икки босқичли бўлиб қолди: агар БМТ текширувчиларининг фаолияти самарасиз бўлиб чиқса, БМТ Хавфсизлик Кенгаши масалани қайтадан муҳокама этади ва Ироққа нисбатан хатти-ҳаракатнинг тартиби бўйича бир хулосага келади. Ушбу резолюция яқин кунларда Хавфсизлик Кенгаши томонидан маъқулланиши кутилмоқда.

РЕФЕРЕНДУМ ҲАЛ ҚИЛАДИ

Ўрта ер денгизи минтақасидаги Гибралтар кўрфази неча йиллардан буён баҳс мавзусига айланиб қолганлиги маълум. Чунки у икки давлат – Испания ва Буюк Британияга тобеъ бўлиб келган. Эндиликда ниҳоят томонлар келишуви билан мазкур тортишув юзасидан референдум ўтказишга қарор қилинди. Овоз беришда қатнашадиган фуқаролар биргаликда яшаш тарзига ўтадиларми ёки мустақил ҳудудга эга бўлишни афзал кўрадиларми, деган саволларга жавоб беришлари лозим.

ШАРТНОМАГА ҚЎШИЛГАН МАЪҚУЛ

Тинч уммони ва Осиё Ҳамкорлиги Уюшмасига кирувчи давлатлар – Индонезия, Филиппин, Малайзия бундан бир неча вақт муқаддам, аниқроғи май ойида терроризмга қарши шартномага имзолаган эдилар. Унга асосан разведка ахборотлари ва мавжуд заҳиралар билан алмашиш, ҳарбийларнинг биргаликда минтақавий террорчиларга қарши кураши каби мақсадлар кўзда тутилган эди. Кейинроқ мазкур шартномага Камбожа ва Таиланд ҳам қўшилган эди. Куни кеча эса 10 давлатнинг бири бўлмиш Брунея ҳам қўшниларига эргашиб, юқоридаги шартномага қўшилишни маъқул топди.

ОЧИҚ ШАҲАР – ФУҚАРО ФАХРИ

Кейинги пайтларда оммавий ахборот саҳифаларидан АҚШнинг Ок-ридж шаҳри номи тушмай қолди. Чунки, у яқин-яқинларгача ёпиқ шаҳар ҳисобланар эди. Нега деганингизда бу ерда атом бомбаси ишлаб чиқарилар эди-да. Ок-ридж фуқароларининг катта ёшдаги вакиллари 1942 йилни яхши эслайдилар. Ўшанда мазкур ҳудудда энг маҳфий иншоотлардан бўлмиш атом бомбаси корхонаси қурилиши бошланган эди. Дастлаб қурилишда 75 минг одам ишлаган. Ниҳоят демократия кўринишларидан яна бири ошкоралик тантана қилиб, шаҳар очиқ минтақа деб эълон қилинди.

БОСҚИНЧИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Руминияда шов-шувга сабаб бўлган воқеа рўй берди. Гап шундаки, яқинда 200 дан ортиқ босқинчилик тажовузларини амалга оширган жиноятчилар гуруҳи қўлга олинди. Унинг аъзолари 20 кишидан зиёд бўлиб, узоқ вақт қотиллик, ўғрилик, босқинчилик, ситамкорлик, фирибгарлик билан шуғулланиб келганлар. Текширув-суриштирув ишлари тугагач, суд жаҳаёнлари бошланади.

ЭТА АЪЗОЛАРИ БЎЛИШИ МУМКИН

Испанияда бир неча йиллардан бери қуролли кураш олиб бораётган муҳолифотчилар ташкилоти ЭТА ҳам террорчи гуруҳлар рўйхатига киритилган уюшма ҳисобаланади. Яқинда Франция полицияси мамлакат жанубида икки нафар Испания фуқаросини ҳибсга олди. Улар ёнидан топилган ўқотар қуроллар ва қалбаки ҳужжатлар қўлга тушганлар ЭТАнинг кўзга кўринган аъзолари бўлиши мумкин, деган гумон уйғотди. Шубҳали шахслар Ажен темир йўл станциясидан тергов олиб бориладиган адлия идораларига жўнатилди.

У меҳнатдан қочган эмас. Ер чопди, техникани бошқарди. Умрининг 40 йилини деҳқончиликка бағишлади. Хасталик ҳуружигача пахтачилик бригадасига етакчилик қилиб келди. Бироқ карилик ва иссиқ-совуқ кунларда орттирилган дард охир-оқибат ғолиб келди. Боз устига суянчиғи, кампири вафот этди. Шифокорлар унга далада ишлашни ман этган эди. Аммо ғурур курғур тан бермасдан келарди.

Мухбир нуқтаи назари

НЕГА ХОМУШСИЗ, ОТАХОН?

Қолаверса, жўжабирдек жон, ишламаса бўлмасди. Ногиронлик нафақасига қараб қолишни ўзига эп билмасди. Аммо бўлмади. Меҳнатда майибланганлиги учун хўжалик томонидан тўланадиган арзимас нафақа ҳам минг тарозига солиб, тўланишидан кўп эзиларди. Бора-бора нафақа пули тўлаш ҳам тўхтатиб қўйилди. Важ-карсон кўп: хўжалик иқтисоди ночор, тўлашга пул йўқ. Ана шундай кезларнинг бирида касаба уюшма ташкилоти жонига оро кирди.

— Сирдарё вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси мадади билан бир неча йиллик пенсия пулларимни ундириб олдим, — дейди меҳнат ногирони Анқабой Абдусаломов. — Шундан сўнг хўжалигимиз икки бўлиниб кетгани баҳона бўлди. Кейинчалик деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасига айлантирилди. Хуллас, нафақа пулларим яна йўқолиб қолди.

Отахоннинг хўжалик раҳбарларига қилган ҳар тоқати-тоқ бўлгач, Мирзаобод туман прокурорига мурожаат қилди. Прокуратура аралашуви билан икки йиллик нафақаси — 130 минг сўм пул Янгиобод деҳқон фермерлар бирлашмасидан ундириб берилди. Қария ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасидан беҳад мамнун. Бироқ кўнглининг бир чеккаси хижил эканлигини ҳам яширмади. Унинг айтишича, тумандаги Тошкент фермерлар уюшмасида ҳам кетма-кет мурожаатлари ҳам жавобсиз қолаверди. Кейинги икки йил мобайнида бир сўм ҳам пенсия ололмади. Охири ҳудди ана шундай тўланмасдан қолиб кетган нафақа пуллари бор экан. Уни ундириш учун туманлараро фуқаролик судига мурожаат қилган. Унинг фойдасини кўзлаб суднинг ҳал қилув қарори чиққанига ҳам олти ой бўлибди. Аммо арзимаган ана шу пенсия пуллари учун ҳамон оворагарчилик давом этаётган экан.

Амалдаги йилда бахтимиз, суянган тоғларимиз бўлмиш қариялар учун кўп ишлар қилинмоқда. Шу боис етмишни қоралаётган собиқ ишчини сарсон қилаётганлар бир ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ЎзКУФКда учрашув

ИНСОН БОРКИ, БАХТЛИ ЯШАСАМ ДЕЙДИ

Мамлакатлар, уюшмалар, ташкилотлар, маҳкамалар ва бошқа давлат ва халқаро тизилмалар ўртасидаги ўзаро самарали муносабатлар ҳамма учун фақат наф келтириши аввалдан маълум. Ушбу таомилга оғишмай амал қилиб келаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам синалган мазкур йўлдан бориб, ўз фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштирмоқда.

Жумладан, яқинда КУФК ижтимоий шерикчиликка бағишланган халқаро семинар уюштирган эди. Куни кеча эса Ўзбекистонга ташриф буюрган Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) делегацияси аъзолари – ХМТ Москва Бюроси директори Полин Баретт-Рид хоним, ХМТ Минтақавий Бюроси бош мутахассиси Викинг Хусберг, ХМТнинг меҳнат соҳасидаги ВИЧ/СПИД касаллиги масалаларини мувофиқлаштирувчиси Екатерина Витальевна Иванова билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида учрашув бўлиб ўтди. Федерация Кенгаши раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Д.Жаҳонгирова КУФК фаолияти, амалга оширилаётган тадбирлар, истиқболдаги вазифалар ҳақида гапириб берди.

Ҳаёт бор ерда, албатта, меҳнат бўлиши табиий. Яхши ишлаб, яхши яшайман деган инсон сўзсиз меҳнат қилади. Шу боис, меҳнат жараёнларига халқаро миқёсда ҳам, ҳар бир давлат доирасида ҳам алоҳида аҳамият берилади. Халқаро Меҳнат Ташкилоти, касаба уюшмалари томонидан меҳнат қилиш шароитлари ва шартларининг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, илмий нуқтаи назардан ўрганилишининг мазмун ва моҳияти сўзсиз инсон ҳаётига, унинг ҳозири ва келажагига бориб тақалиши умумбашарий устуворлик касб этади.

– Бизнинг Республикамизда, – дея таъкидланди учрашувда, – қабул қилинган қонунларда меҳнат тушунчасига тегишли аксарият халқаро меъёрлар ўз аксини топган. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 11 та конвенцияси Ўзбекистон томонидан белгиланган тартибда ратификация қилинган. Хусусан, мажбурий меҳнатни таъқиқлаш, қирқ соатлик иш ҳафтаси, ҳақ тўланадиган таътиллар, бандлик соҳасидаги сиёсат, меҳнаткашлар вакиллари, жамоа музокаралари, оналикни муҳофаза этиш сингари конвенциялар шулар жумласидандир. Аёллар меҳнатига тегишли яна учта конвенцияни ратификация қилишга тайёргарлик кўрилмоқда. ХМТнинг халқаро меҳнат конференциясининг 86-сессиясида қабул қилинган «Меҳнат соҳасига асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқлар тўғрисида»ги декларацияда ХМТга аъзо бўлган давлатларнинг меҳнатга тааллуқли принципларининг қўлланиши ва ҳаётга татбиқ этилишига даҳлдор ҳолатлар ҳам эътиборга лойиқдир. Фуқароларимизнинг меҳнат қилиш тўғрисидаги ҳақ-ҳуқуқлари Ўзбекистон Конституциясининг 34-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

ХМТ билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик дастури ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат бўлиб, у биргаликдаги тадбирларни амалга оширишда дастлабки самарали қадамлар бўлди, дейиш мумкин. Зотан, мазкур дастур меҳнат бозори механизмини такомиллаштириш, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш, меҳнатни муҳофаза қилиш тузилмасини меъёрига етказиш, ижтимоий ҳимоя ва пенсия таъминоти каби масалаларни ўз ичига олади. Мазкур барча йўналишлар Ўзбекистон касаба уюшмалари дастури билан ҳамоҳангдир. Ушбу вазифалар ҳамма манфаатли томонларнинг фойдали мулоқотлари асосидагина амалга ошиши мумкин.

Учрашувда қайд этилдики, юқоридаги дастур ғояларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолияти ҳақида гап кетганда, бандлик муаммоларини ҳал қилиш, ижтимоий ҳимоя, меҳнатни муҳофаза қилиш, жамоа шартномалари, саломатлик сингари масалалар биринчи ўринга чиқади. Амалдаги қонунлар берган ҳуқуқларга суяниб меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва амалга оширишда касаба уюшмаларининг бевосита иштирок этиши, уларни такомиллаштиришга тааллуқли таклифлар киритиши эътиборга сазовор жараёнлардир. Энг муҳими, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишда жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари алоҳида ўрин тутмоқда. Ҳозирги даврда меҳнатни муҳофаза қилиш ва иш жойларининг хавфсиз бўлишини таъминлаш, ишчи ўринларини аттестациядан ўтказиш ҳам касаба уюшмаларининг асосий вазифаларига айланмоқда.

– Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳаётида касаба уюшмаларининг ўзига хос ўрни ва мавқеи борлигини яна бир бор ҳис этдим, – дея фикрини ифодалади Полин Баретт-Рид хоним. – Ўйлайманки, бошқа долзарб масалалар қатори аср вабоси – СПИДга қарши биргаликда курашишимиз лозим. Юртингизга келиб, Президентингиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улуғвор ва савобли ишларни кўриб хайратландим. Ўзбекистон жаннатмакон ўлка, деганлари рост экан. Бир шингил узумини еб, ширасига тан бердим. Жаҳонда мева-чева сероб, аммо ушбу заминда етиштирилган ноз-неъматлар ҳеч қаерда йўқ. Гўзал Тошкентингиз барчамизни мафтун этди. Ўзаро учрашувлар, давра суҳбатлари катта наф бераётир. Бундан буён Ўзбекистон касаба уюшмалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш омиллари ҳақида амалий таклифлар баён этилди. Уларни собитқадамлик билан ҳаётга татбиқ этиш катта наф келтиради.

Р.УМАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига

3. МЎЪТАБАР ҚОМУС

Конституциянинг мазмуни билан нотаниш шахс қонунлар ва уларда ифода этилган ҳуқуқ ва бурчларнинг қадрига ета олмайди. Конституцияни бу жиҳатдан ҳуқуқий саводхонликнинг алифбоси десак, хато қилмаймиз. Ҳар бир фуқаро Конституция тамойилларини чуқур англаши, ўз тафаккурида уларга асосланган ихлос-эътиқодга эга бўлиши, мақсад ва ниятларининг уларга мос бўлишига, ўз ҳаётида улардан ўринли фойдаланишга эришиш зарур.

Конституция қанчалик батафсил бўлмасин, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини, инсоннинг барча ҳуқуқлари ва эркинликларини қамраб ололмайди. Шу жиҳатдан Конституциямиз энг лўнда ҳисобланган АҚШ Конституциясидан ҳам бир ярим баробар қисқа. Унинг 128 нафар моддларидан учдан бири турли масалаларни тартибга солиш учун алоҳида қонунлар қабул қилинишини кўзда тутади. Чунки ҳаётимизнинг жуда кўп қирралари ва мураккаб жиҳатларини имкон борича тартибга солиш, мақсадга мувофиқ равишда йўналтириш лозим, токи ҳаётимизни алоҳида шахслар эмас, қонунлар бошқаришига эришишимиз, қонун устуворлиги талабларини тўла амалга оширишимиз лозим.

Иқтисодиётга бағишланган қонунларимиз барчани ташаббускорлик кўрсатишга чорлади, бировга зарар келтирмайдиган ҳар қандай фаолиятни қўллаб-қувватлади. Албатта, тадбиркорлик давлат қонунлари билан йўналтирилиб, тўғри йўлга солиниб турилиши шарт. Ўзбилармончилик, ўзбошимчалик, айниқса, маъмурий буйруқбозликка имкон бермаслик муҳим вазифадир. Қонунларимиз худди иқтисодиёт соҳасидаги мева каби мағзи ширали, фойдали, кўркам бўлса, самараси ҳам мазали бўлади. Йўқса, учраган маъмур бировнинг корхонасини ёпиб қўйса ва моддий зарарини тўламаса, тадбиркорликни рўйхатга олишга тўғаноқ бўлса, сансалорлик қилса, унга қарши аниқ чоралар кўзда тутилмоғи лозим. Қонунларимиз адолат талабларига жавоб бериши, қонун олдида барчанинг тенглигини, айниқса, барчада ҳуқуқий маданият юксак бўлиши таъминланиши лозим. Бу эса қонунларнинг сифати, энг муҳими, қонун талабларига ҳар бир кимса риоя қилиши билан ўлчанади.

Яна муҳим жиҳат, инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши шарт.

Йўлбошчимиз таъкидлаганидек: «Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиш ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи, жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади».

Ҳуқуқий, маданиятли шахс фақат қонунларни билиб, ҳуқуқий билимлардан хабардор бўлибгина қолмай, уларга амал қилади, итоат этади. У ўз ҳуқуқларининг бошқалар томонидан бузилишига, қонунларни чеклашга лоқайдлик билан қарамай, бу ҳақда жамоатчиликка хабар беради, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларига, судга мурожаат қилиб, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам ҳимоялайди. Ҳар қандай низолар ва можароларни бартараф этиш учун шахс қонунга хилоф кучларга эмас, балки тегишли давлат идораларига, пировардида судга мурожаат қилиши лозим. Адолат учун кураш ҳуқуқий маданиятли ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Шундай экан, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдек масъулиятли ва мураккаб ишларни тўла, сифатли ва изчиллик билан амалга оширишимиз, бинобарин, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор».

Ғ.АБДУМАЖИДОВ,
Республика ҳуқуқий маърифат тарғибот Маркази директори, профессор.

Ижтимоий ҳимоя

ЯНГИ ЦЕХНИНГ ГИЛАМУ КИЙИМЛАРИ

Нурота туманидаги Файзулла Хўжаев номли ширкат хўжалигининг дебиторлик қарзи 172 миллион сўмга етиб «калаванинг учи» йўқотилган бир пайтда илгари «Дўстлик», «Фозғон» хўжаликларига раҳбар бўлиб, уларни номдорлар сафига қўшган Асрор Ашуров жамоага раҳбар бўлиб келгач ишда туб бурилиш ясалди. Қисқа фурсат ичида хўжалик қарздорликдан қутилиб самарадорликка юз тутди. Йилни оз бўлсада фойда билан якунлашди. Бунинг учун сочилиб кетган техникалар автосаройга жамланди, ёқилғи, мойлаш материаллари қатъий ҳисоб-китоб билан сарфланадиган бўлди. Ишлаб чиқарувчи ва иш берувчи ўртасидаги муносабат яхшиланиши учун ортиқча ўрта бўғин кадрлари янгидан ташкил этилган ишлаб чиқариш тармоқларига ўтказилди. Пудратчилар билан шартнома шартларига қатъий амал қилинаётгани боис хўжалик биргина дала деҳқончиликдан 25 миллион сўм даромад қилиши аниқ бўлиб қолди. 3700 дона қоракўл тери, 20 тонна жун сотилиши ҳисобидан келадиган фойда ҳам бунга қўшимча бўлади.

Чорвачилик, паррандачиликни ривожлантиришда туб ислоҳотлар бошланганини ўнлаб ишбилармонларга хўжалик ҳисобидан қўй, от, йилқи, парранда шартнома асосида берилаётганидан ҳам билиш мумкин. Бу бир томондан тажрибали кишиларни иш билан таъминлаш имконини берса, иккинчидан хўжалик хазинасига мўмайгина даромад келтиради. Терини қайта ишлаш цехи эса аллақачон фойда келтирадиган тармоққа айланди. Нурмат Арслонов етакчилик қилаётган олти кишилик жамоа тайёрлаётган гилам, шуба, телпак, махсус кийим-бошлар анча харидоргир бўлиб қолди. Хўжалик маъмурияти тез орада замонавий асбоб-ускуналарга эга жунни қайта ишлашга ихтисослашган цехни ишга туширишни режалаштирмоқда.

Ўтган қисқа вақт ичида чорвачиликдаги 63 оилавий пудратчининг иш ва яшаш шароити анча яхшиланди. Аввало шартномада уларнинг манфаатлари аниқ ва равшан кўрсатиб ўтилди. Ҳар бир чўпон уйини капитал таъмирлашга киришилди. 4 отарга электр симлари тортилди. Олинаётган даромад ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш имкониятларини кенгайтирмоқда. Байрам арафасида отар ва фермаларга 2 миллион сўмлик кундалик эҳтиёж маҳсулотлари имтиёзли нархларда етказиб берилмоқда.

Хўжаликда Усмон Ражабов, Шерали Ёров, Бобомурод Қудратов, Юнус Қобилов сингари иқтисодий бақувват пудратчилар хайрли тадбирлардан ҳам четда қолишмаяпти. Жамоанинг мактаблар, қишлоқ врачлик пункти, спорт тадбирларига ва бошқа маданий-маиший тадбирларга ажратган маблағи 10837500 сўмни ташкил этди. Агар ишчи-хизматчилар ва қишлоқлар аҳолисига 4 800000 сўмлик моддий ёрдам берилган бўлса, 11, 36-мактаблар жорий таъмирига 455 000 сўм сарфланди.

Шунингдек, Янгибино, Чўпонобод қишлоқлари ва шаҳар қарияларига 360 000, кураш спорт мактабига 120 000, вилоят «Қаҳ-қаҳа» томоша гуруҳига 100 000 сўм ажратилди.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

ХОДИМЛАР МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Меҳнат нафақат моддий фаровонлик, балки одамларнинг тетиклик манбаидир. Тўғри ташкил этилган иш жараёни кишиларнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий камол топишига олиб келади.

Бу борада шифохона маъмурияти билан тузлган жамоа шартномамизда Меҳнат Кодекси асосида ходимларнинг саломатлиги ва иш қобилиятини сақлаш, меҳнат ва дам олиш режимини меъёрлаш, корхонада қулай иш ўрни яратиш ҳисобга олинган.

Хозирда марказий шифохонага қарашли 75 та тиббиёт муассасаларидан 33 тасида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Биноларни таъмирлаш учун қарийб 6 миллион сўм сарфланган бўлса, 19 миллион 265 минг сўмлик дори-дармонлар, 4 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар олинди.

Иш вақтидан унумли фойдаланилмоқда. Жамоада фаолият кўрсатаётган 8 та II-гуруҳ ногиронларининг иш вақти Меҳнат Кодексининг тегишли қисмида кўрсатилганидек белгиланди. Ноқулай шароитларда ишлаётган ходимларнинг иш вақти ҳафтасига 30 соатдан ошмайди. Байрам кунлари ишлаганларга 2 баравар маош тўланмоқда.

Моддий манфаатдорлик фаолликни оширади. Аҳолига намунали хизмат кўрсатган ишчи-хизматчиларга 940 минг сўм мукофот пуллари тўланди. Ўрин қисқариши билан бўш қолганлар янги очилган репродуктив саломатлик марказига ишга жойлаштирилди.

Туманимиз вилоятнинг аҳоли кўп яшайдиган ҳудудларидан бири. Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган ёш авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижроси бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Кам таъминланган оилалар, туғиш ёшидаги аёлларга қўшимча дори-дармонлар тарқатилди, мурувват ёрдами кўрсатилди. Қишлоқ жойларига малакали мутахассислардан иборат гуруҳлар юборилиб, ҳомиладор аёллар ва ўсмир қизлар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Марказий шифохона ва жойлардаги тиббиёт масканлари ходимлари соғломлаштириш тадбирлари меҳнат шароитларини яхшилаш ва шу тариқа касб касалликлари пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган.Бу борада касаба уюшмаси ва маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши қатъий назоратга олинган.

С.ЖИЯНОВ,
Каттақўрғон туман марказий шифохона касаба уюшма қўмитаси раиси.

Муаллимликка ҳавас ҳар бир инсон қалбида мактаб партасиданоқ орзуга айланади. Чидамли ва саботли, болажонлар қалбини англай оладиган, уларга ҳам дўст, ҳам устозлик қилишнинг уддасидан чиқадиганларгагина ана шу касб насиб этарди.

Бир неча йил илгари шундай воқеа бўлганди. Декабрнинг охирлари эрса-да, ўқувчилар ҳамон пахта теримидан қайтмаганди. Ўша куни ҳам эрталабдан ёмғир шаррос қуйиб берди. Математика ўқитувчиси марҳум Мустафо Нормаматов болаларнинг соғлигини ўйлаб, далага — «терим»га олиб чиқмади. Ана шу пайт туман «катталари»дан бири келиб, муаллимни қанчалар хўрламади, дейсиз. Уни халқ душманига чиқариб, ҳатто жиноий жавобгарликка тортадиган бўлишди...

Агар тарих зарварақларига назар ташланса, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Президент сифатида иш бошлаганларининг дастлабки кунидаги Фармонлари ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилганди. Бу шунчаки муаллимларга кўрсатилган лутф эмас, балки келажак авлодни, Ватан пойдеворини яратувчиларнинг заҳматли меҳнатини қадрлаш вақти келганлигининг эътирофи эди.

Наманган вилояти халқ таълими тизимида ҳам истиқлол шарофати ила кейинги йилларда жуда кўп ишлар амалга оширилди. Хусусан, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида ёшларга билим бериш ва уларни замон талаби даражасида тарбиялашнинг дунё тажрибасида синалган усуллари жорий этилиб, бу борада йиллар давомида тўпланган муаммолар ечимини топди.

Эндиликда ўқитувчилар имтиёз ва яратилаётган шарт-шароитлар билан чекланиб қолмасдан, бозор талабидан келиб чиқиб, ўзини ўзи бошқаришга, таълим беришнинг янгича шаклларини яратиб, ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ва илғор, кам таъминланган ўқитувчи-ўқувчиларни моддий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида аҳамият бериб келаяпти.

Чунончи, вилоят халқ таълим бошқармаси тасарруфида бир неча йилдирки «Мураббий» жамғармаси тузилган. Унинг низомида ўқитувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишгина эмас, балки мактабларнинг ўқув моддий базасини ривожлантириш, тарбияси оғир болалар билан шуғулланиш ва кенг жамоатчиликни бу хайрли ишга жалб этиш ҳам назарда тутилган. Бир мисол. Жорий йилда вилоят бюджетидан ажратилган 21 миллион сўм педагоглар ташаббуси билан наркомания ва гиёҳвандликка қарши курашга йўналтирилди. Натижада ана шу маблағ ҳисобидан барча туманларда марказлар ташкил этилиб, иллатга қарши видео тасмалар, тиббий жиҳозлар сотиб олиниб, ўқувчиларга қўйиб берилмоқда. Бу тадбирлар натижасида ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасида содир этилган жиноятлар аввалги йиллардагига қараганда 37 тага камайди.

Шунингдек, жамғарма ҳисобидан Янгиқўрғон туманида ёзги мавсумда оромгоҳ ташкил этилиб, унда тарбияси оғир болаларнинг 100 нафари дам олдирилди ва муайян даражада профилактик ишлар ўтказилди.

Вилоят халқ таълими мутасаддиларининг саъй-ҳаракати ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган режа асосида эндиликда корхона ва ташкилотлар билан ёш авлод тарбияси йўлида истиқболли ҳамкорлик ишлари изчил давом этиб келаяпти. Айтайлик, ҳозирги кунда вилоят мактабларидаги тарбияси оғир, кам таъминланган болалар рўйхатга олиниб, уларнинг ҳар бири мавжуд ташкилот, корхона ва ширкат хўжаликлари раҳбарларига биркитиб қўйилган. Ўқув йили охирида ҳар бир оталиқ ташкилоти ёки ҳомий ўз ўқувчисининг билими, одоби ва моддий аҳволи учун ҳисоб беради.

Икки йилдирки вилоят прокуратураси 13 та мактабга ҳомийлик қилади. Айни пайтда прокуратуранинг ёрдами билан бу илм даргоҳлари тўлиқ таъмирланган ва компьютерлаштирилган. Ҳуқуқий мавзудаги семинарлар ва мулоқотлар уюштирилиши қаторида, ҳуқуқ дарслари чуқурлаштирилган ҳолда ўтилади. Муаллим ва кам таъминланган ўқувчилари ҳуқуқшунослар томонидан ижтимоий ҳимояга олинган.

ҚАЛБИ

Муаллимлик — мураккаб ва масъулиятли касб. Деҳқон меҳнати самараси илк йилдаёқ натижа берса, ўқитувчи эккан дарахт меваси эса... Ҳа, бу жуда кўп йил ва кўп машаққат, синовлардан ўтади.

Шу боис, вилоятда ўз ҳаётини таълимга бағишлаб, кадрлар тайёрлаш, келажакни яратувчи ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғлашга интилган ёшларни Миллий дастур-

ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Қарор ва ижро

ҚУЧОҚ ОЧИБ, ХАЛҚ ИЧИГА КИРАЙЛИК

Элпарвар шоиримизнинг ушбу мисраларини ўзимизга шиор қилиб олганмиз, – дейди Ўзбекистон тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Халилжон Ҳазратқулов

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноятчиликка қарши курашда ички ишлар вазирлиги профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисида»ги қарори чиққунича Ўзбекистон туманидаги милиция таянч пунктлари сони бармоқ билан санарли эди. Эндиликда эса бу ерда 22 та замонавий типдаги милиция таянч пункти фаолият кўрсатмоқда.

Туман ҳокимлиги ҳамда ички ишлар бўлими раҳбариятининг ташаббуси билан маҳаллаларнинг ҳар бирида замон талаблари даражасидаги милиция таянч пунктлари қурилиши амалга оширилди. Айниқса, Ўқчи, Пахтақайнар, Ғаниобод, Конизар, Яккатут, Дўстларобод, Шўрсув ва Яйпан қишлоқ фуқаролар йиғинларида бу ишга уюшқоқлик билан киришилди ва қисқа фурсатда дам олиш хоналари, маҳалла вакиллари, хотин-қизлар қўмитаси , яраштирув комиссия, психолог-тарбиячи хонаси ва спорт майдончаси жойлашган милиция таянч пунктлари ўз фаолиятини бошлаб юборди.

– Яқинда таянч пунктимизга тумандаги маҳаллалар фаолларини йиғиб, давра суҳбати ўтказдик, – дейди Ўқчи милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, милиция капитани Ҳасанбой Тўхтаназаров. – Учрашувга ташриф буюрган туман ҳокимлиги ҳамда ички ишлар бўлими раҳбарияти юрт осойишталиги йўлида милиция билан ҳамкорлик қилаётган инсонларга самимий миннатдорчилик билдиришди. Туман ҳокимлиги ва туман ИИБ томонидан ўтказилаётган «Жиноятчиликсиз маҳалла» танлови ғолиблари рағбатлантирилди. Туманимиздаги барча милиция таянч пунктларида доимий равишда ўтказилаётган бундай тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳалла оқсоқоллари юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ички ишлар идоралари ходимларига бундан кейин ҳам яқиндан ёрдамлашиш истагини билдиришди.

Айни кунларда туман ҳудудида яшаётган, муқаддам судланган шахслар фуқаролар йиғини раислари билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилинди. Бундан ташқари, жиноят содир этишга мойил шахслар доимий назорат остига олинган. Таянч пунктларида ташкил этилган дам олиш хоналарида, спорт майдончаларида туман ёшлари ўзларининг бўш вақтларини мароқли ўтказишаяпти. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ов қуроллардан қонунда белгиланган тартибда фойдаланиш, паспорт қоидаларига қатъий риоя этиш бўйича ҳам кўпгина ишлар қилинди. Олиб борилаётган бундай профилактик тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан туман ҳудудида содир этилган жиноятлар сони бир мунча қисқарган. Жумладан, оғир жиноятлар содир этилиши 37 тадан 26 тага, ўртача оғирликдаги жиноятлар 79 тадан 41 тага, давлат ва фуқароларнинг мол-мулкини ўғирлаш 59 тадан 43 тага, ўлим билан якун топган йўлўлов бахтсиз ҳодисалари 12 тадан 4 тага камайган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак милиция ва фуқаролар ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб боряпти. Бу ҳамкорликнинг меваси осойишталиқдир.

Мўйдинжон СОБИТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Давлатобод туманида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари намунали олиб борилмоқда.

Суратларда: профилактика инспектори, милиция лейтенанти Мирзаолим Раҳмонов фаоллар билан суҳбатда; туман прокурори адлия кичик маслаҳатчиси Бахромжон Йўлдошев ҳамкасблари билан галдаги вазифалар хусусида маслаҳатлашмоқда.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Оғриқ нуқталар

БИРОВГА СОҒИНСА ҲАР КИМ ЁМОНЛИК...

Мамлакатимизда ёшларни аҳлоқ-одобли, юксак инсоний фазилатларни ўзида шакллантирган ҳақиқий ватанпарвар кишилар қилиб тарбиялаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.

Бирок афсуски, ёшларимиз орасида жиноятга қўл уриб, тўғри йўлдан адашганлар ҳам учраб туради.

Кўпчилик ота-оналар фарзандларининг ҳеч қандай фойдали иш билан шуғулланмасдан саёқ юрганини била туриб эътиборсиз қарайдилар. Бепарволиклари туфайли жиноятларнинг пайдо бўлишига йўл очилади.

Қарши шаҳрида яшовчи Олим Саломов ўғирлик қилиб уч марта судланган ва жиноий жавобгарликка тортилган. Жазони ўташ жараёнида ўзининг олдинги қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб олмади. Тўртинчи марта яна жиноятга қўл урди.

У яккабоғ шаҳрига бориш учун «Дамас» русумли автомашинага чиқаётган Р.Сайфиддиновнинг чўнтагидан 70 минг сўм пулни ўғирлайди.

Ҳуқуқ-тартибот ходимларининг фаол ҳаракатлари натижасида жиноят фош этилди. Олим 3 йил озодликдан маҳрум этилди. Унинг қалтис ҳаракатларини ота-онаси, маҳалладошлари қўни-қўшниси билиб билмаганликка олганликларини кўриб, ҳайрон қоласан.

Шерзод Исматов эндигина 22 ёшга кирган, тоғни талқон қиладиган бақувват йигит, ўғирлик қилиб илгари ҳам судланган.

Қилмишидан тўғри хулоса чиқариб олмасдан Қарши шаҳрида яшовчи Мақсуда Носированинг қандолат цехига ишга киради ва яна ўғирликка қўл уради. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Вилоят маркази Қарши шаҳри кун сайин гўзаллашиб, обод бўлиб бормоқда. Шунга қарамасдан маҳаллалар ва уй-жой мулкдорлари ширкатларида истиқомат қилувчи айрим саёқ ёшлар томонидан қонунбузарлик ҳолатлари содир этиляпти. Файзулла Хўжаев, Усмон Юсупов номли, «Кунчиқар» маҳаллалари ва «Пахтазор» митти туманларида жиноятчилик бир мунча ўсган. Бултур ўғирлик жинояти 359 та, гиёҳвандлик 180 та, фирибгарлик 94 тани ташкил этган. Жорий йилнинг ўтган олти ойида ҳам ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар кўпайган.

Гиёҳвандлик ёшлар ҳаётини издан чиқаради-ган, онгини заҳарлайдиган жиноятлардан биридир. Қарши темирйўл бекати тармоқ ички ишлар ходимлари ўтказган тезкор текширувлари натижасида Бухоро-Қарши шаҳарлараро поездида кетаётган йўловчи Комил Музаффаровнинг пайпоғи орасидан целлофан бўлагига ўралган 15 грамм марихуана моддаси топилди. Оғу комига гирифтор бўлган Комил Музаффаров жиноятига яраша жазо олди.

Мустақил юртнинг фарзандлари ҳалол ва пок яшашга интилмоғи керак. Тўғри йўлдан адашганларни тарбиялаш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, балки ҳаммамизнинг бурчимиздир. Шарқ шеъриятининг улуғ алломаларидан бири Абулқосим Фирдавсий ёзганларидек:

Бировга соғинса ҳар ким ёмонлик,
Ниҳоят ул ўзи топмас омонлик.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Тадбир

БОШҚАРМА 50 ЁШДА

Ички ишлар вазирлиги «Қўриқлаш» бошқармасининг ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида ушбу санага бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Бирлашма фаолияти даврида жуда кўп ижобий ишларни амалга оширди. Қўриқлаш хизматининг асосий ва муҳим вазифаларидан бири фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли хонадонлари ва давлат аҳамиятига молик объектларни муҳофаза этиш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишдан иборатдир. Соҳа вакиллари ҳозирда бу борада барчанинг ишончини оқламоқда. Айни дамда бошқарма етарли даражада замонавий транспорт, алоқа воситалари ва огоҳлантириш сигналлари билан жиҳозланган. Тизимни янада такомиллаштириш мақсадида бошқармага тажрибали ходимлар жалб этилган.

Соҳа мутахассисларидан бир гуруҳ ушбу сана муносабати билан вазирликнинг махсус диплом ва фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Тадбирда қўриқлаш хизматининг иш жараёни ва техник асбоб-ускуналар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Давур ЖОЗИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Нафс бандалари

НАЗОРАТ КАССА МАШИНАСИНИ «УНУТИШИБДИ»

Республикамизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Таъкидлаш керакки, тадбиркору ишбилармонларнинг кўпайиши мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга ўзининг муносиб улушини қўшаяпти. Лекин давр талаб қилаётган тадбиркорлик соҳасини айрим фуқаролар ўзларига ниқоб қилиб, ноқонуний даромад топиш илинжида фаолият юритишмоқда. Бу — иқтисодиётимиз ва истеъмолчилар ҳуқуқларига зиён етказаяпти.

Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ана шундай кўринишдаги ҳамда солиққа оид қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида қатор тадбирлар олиб бормоқда. Бошқарма ва туман, шаҳар инспекциялари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида савдо қоидаларига риоя этиш борасида ўтказилган текширишларнинг 95,3 фоизида ҳар хил ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги аниқланди. Хусусан, 295 ҳолатда назорат касса машиналаридан фойдаланмаслик, 113 ҳолатда 11 миллион 881 минг сўм накд пул маблағларини ўз вақтида инкассация қилмаслик, 325 маротаба тамаки маҳсулотлари ҳамда 252 ҳолатда спиртли ичимликлар акциз маркасиз сотилаётганлиги маълум бўлди. Текшириш натижаларига кўра, қонун бузилиш ҳолатларини келтириб чиқарган шахсларга нисбатан 7 миллион 497 минг сўмдан зиёд маъмурий жарима қўлланилиб, бир қатор жиноят ишлари қўзғатилди.

Масалан, «Мардон» хусусий ошхонасида ўтказилган текширишда харидорларга 3 минг 800 сўмлик касса чеки берилмаганлиги маълум бўлди. Масалага жиддийроқ ёндошган солиқчилар «Мардон»нинг бошқа сир-асрорларидан ҳам воқиф бўлиб қолишди. Бу ошхонада йил бошидан буён жами 454 минг сўм савдо пули назорат касса машинасидан ўтмаганлиги, ҳеч қандай рухсатномасиз 292 минг сўмлик спиртли ичимликлари ҳам ўз «эгаси»ни кутиб ётган экан.

Оққўрғон туманидаги «Ал-Маҳдий» хусусий корхонаси раҳбарларининг «тадбиркор»лиги билан ҳам солиқчилар муроса қилишолмади. Чунки «Ал-Маҳдий»чилар енг ичида иш тутишиб, банкдан олинган кредит ҳисобига 355 минг сўмдан зиёд харидоргир маҳсулотлар олиб, уни накдига пуллаб юборишган. Савдо пулларини банкка топшириш ўрнига бошқа мақсадларга сарфлаб юборишган. Бундан ташқари мавжуд назорат касса машинасидан фойдаланишни ҳам ўзларига «эп» кўришмаган. Бу ўз навбатида хусусий корхонани 453 минг 500 сўм миқдорида молиявий жарима билан «сийланишига» сабаб бўлди.

Шунга ўхшаш ҳолатларга Оҳангарон туманида ҳам дуч келинди. Мазкур туман матлуботсавдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли 36 сон дўкон сотувчилари савдо пулларини назорат касса машинасидан ўтказмасликни одат қилишибди. Солиқ хизмати ходимлари текширганда дўкон «ишбилармонлари» 345 минг сўмни назорат касса машинасидан ўтказмаганлиги аниқланди. Қонун барча учун баробар. Қоидабузарларга нисбатан энг кам иш ҳақининг юз баробари миқдорида моливий жарима қўлланилди.

Эгриликнинг умри доимо қисқа бўлади, дейишади. Бу йўл орқали мақсадга эришаман, деганлар эса ҳар қачон янглишади. Шундай экан, тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятимизни ҳалол ва тўғри йўл билан бошласак, мақсад сари қўйилган қадам унумли ва баракали бўлади.

Эркин МАВЛОНОВ,
журналист.

ОҒУ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Сурхондарё вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари ҳушёрлиқни қўлдан бой беришганда республикамиз ҳудудига заҳриқотил — гиёҳвандлик моддаси олиб кирилган ва табиийки ундан бир неча киши саломатлигига путур етган бўларди. Хайриятки, бунинг акси рўй берди. Бунга ҳар вақтдагидек ички ишлар вакилларининг зийракликлари, касбга масъулият билан ёндошишлари туфайли эришилди.

Шу йилнинг сентябр ойида Узун туманидаги Ж.Эшмирзаев номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган «Гулистон» чегара масканига ВАЗ-2106 русумли 19 F 8868 давлат белгили автоулов яқинлашиб келарди. У тўхтатилганда ҳайдовчи мазкур туманнинг Маландиён қишлоғида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган фуқаро Абдусалом Жумаевнинг кўзлари бесаранжомлиги, орқа ўриндиқда ўтирган Тожикистон Республикаси фуқаролари Урганой Равшанова ҳамда Гуландом Жумаевалларнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳам шубҳали эканлиги сезилиб қолди. Йўл патрули хизмати инспектори У.Номозов ҳайдовчи ва чақирилмаган меҳмонларни машинадан тушириб, текшириб кўрганда улар 662 грамм героин гиёҳвандлик моддасини олиб ўтаётганлиги аниқланди. Заҳриқотил ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштирилиб, айбдорлар устидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бу вилоят ИИБ бошқармаси ходимлари иш фаолиятидан келтирилган биргина мисол холос. Аслида йил давомида улар саъй-ҳаракати билан юқоридаги каби 25 та жинойи ҳолатга чек қўйилди. Жами 6 килограмму 254,4 грамм гиёҳвандлик моддаси республикамиз ҳудудига олиб ўтилишининг олди олинди.

Вилоят ИИБ йўл хавфсизлиги хизмати бошқармаси ва жамоатчилик билан алоқа боғлаш гуруҳи катта инспектори, милиция капитани З.Худоймуродовнинг таъкидлашича, соҳа ходимлари пахта йиғим-теримининг айни долзарб палласида транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш, йўлларда назорат ҳамда профилактик тадбирлар олиб боришда ҳам ўз билим-тажрибаларини аямаяптилар. Ҳар бир жамоа хўжалигида, автотранспорт корхоналарида ҳайдовчи ва механизаторлар билан суҳбатлар ўтказилди. 372 та автобуснинг техник ҳолати текширилди ва носоз машиналар яхшилаб таъмирланишига эришилди. Булардан ташқари, кўнгилсиз ҳолларнинг олдини олиш мақсадида кундалик назорат кучайтирилган ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. Айни пайтда ўтган ойлардагига қараганда жиноятлар кўлами анча камайишига эришилди.

Р.РЎЗМЕТОВ.

ҚУЁШ КИШИЛАР

Ислоҳот мевалари

да белгиланган каби тайёрлашга ҳам жиддий киришилган. Ана шу борада вилоят халқ таълими бошқармаси Наманган Давлат университети ҳамкорлигида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар таҳсинга лойиқ. Бу ерда ҳар бир фан бўйича бўлажак мутахассислар чуқур илм олиш имконига эга. Илм даргоҳида дарс соатларидан ташқари талабаларнинг маданий дам олишига, соғликларини тиклашга барча шароитлар мавжуд. Яқинда 12 миллион сўм сарфлаб, ҳар ойда 50 нафар талабани қабул қилиб, соғлигини тиклаш имконига эга бўлган профилактория ишга туширилди. Илм даргоҳида бундай шарт-шароитнинг яратилгани ўқитувчилар сулоласи ва соҳа анъанасини давом эттиришга, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида камарбаста бўлиб, ўқитувчилик касбим - шарафим, дегувчиларга имкониятлар яратишдан далолатдир.

Миллий педагогикамизнинг отаси Абдулла Авлоний: «Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилиниб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган муқаддас вазифадур»,- деб ёзганди. Аллома орзуси Наманган шаҳар халқ таълими мисолида намоён бўлмоқда, десак муболаға эмас. Шаҳар халқ таълими тизими ёшларга билим бериш ва дунёвий фанларни чуқур ўргатишда, соғлом авлодни вояга етказиб, фан олимпиадаларига тайёрлаш борасида вилоятнинг асосий таянчларидан бири. Педагоглар жамоасининг кўп йиллик изланишлари, тажриба ва ташаббуслари вилоят миқёсида оммалаштирилган. Ҳатто улар орарилган. Жорий ўқув йили бошида 650 нафар ходим меҳнат ва жамоа шартномасига кўра таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказилди. Шулар қаторида 1251 нафар кам таъминланган мураббийлар байрам ва тадбирларда моддий қўллаб-қувватланиб турилибди.

Шаҳар халқ таълими бўлими корхона ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиб кейинги даврда 300 нафар ўқитувчини уй-жой билан таъминлашга эришди. Ҳар ойда ўқитувчилардан 85 нафари касаба уюшмаси ва халқ таълими бўлимининг пул, қимматбаҳо совғаларини олишмоқда. Бу ва шу каби тадбирлар ҳам ўқитувчининг ўз ишига иштиёқ билан ёндашишига ҳам ёшларга чуқур билим беришга бош омил эмасми?

Вилоят халқ таълими бошқармаси таълим ва тарбияни янада кенг шакллантириш борасида тажриба тариқасида фан ва таълим ходимлари касаба уюшмаси ҳамкорлигида Чуст туманида «Мулоқот» жамоатчилик марказини ташкил этганига икки йил бўлди. Ўтган даврда, марказ ташаббуси билан қилинган кўплаб ишлар ижобий натижасини бера бошлади.

Айни пайтда ана шу марказ ширкат хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида фақат таълим тизимида эмас, аҳолининг кам таъминланган, қарамоғида ҳеч кими йўқ оилаларни ҳам ижтимоий ҳимояга олган. Яқинда ана шу ҳамкорлар 228 та кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатишди ва 5 нафар ўқитувчини қимматбаҳо совға билан тақдирлашди. Бундан ташқари «Мулоқот» жамоатчилик марказининг кўмагида тумандаги 5 нафар кам таъминланган муаллим уй-жой қуриб олиш учун шу тумандаги ғишт заводидан 8 минг донадан арзон нархда ғишт олишди.

Ўқитувчиларнинг машаққатли меҳнати, улар олиб бораётган саъй-ҳаракатлар ва яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Энг муҳими, ўтмиш ортда қолди. Мустақиллик туфайли кадрлар тайёрлашда ва ёш авлод таълим-тарбиясини шакллантиришдаги ислоҳотларни жадаллаштиришда муаллимларнинг хизматлари беқиёс эканлигини барча эътироф этмоқда .

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

«ТИНЧЛИК ҚЎНҒИРОҒИ» ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Тошкентда талайгина кўркам иншоот ва гўзал обидалар бор. Марказда кад кўтарган салобатли «Тошкент куранти» ҳам шаҳар чиройига-чирой қўшиб турибди.

Йигирма олти метр баландликка эга бўлган ҳамда гардишли соатлар ўрнатилган мазкур миноранинг илк бонги садолари 1947 йилнинг 9-май куни эрта тонгда ён-атрофга баралла таралган эди. Тошкентнинг бу бош соати қаторига яна бир муҳташам иншоот қўшиладиган бўлди. Бу ерда гап «Тинчлик қўнғироғи» минораси ҳақида бормоқда. Яқин орада қуриб битказиладиган иншоотга «Тинчлик қўнғироғи» деб ном берилиши бежиз эмас, албатта.

Халқаро лойиҳа бўйича қад кўтарган бу обидани тиклаш ишлари ўзбек ва япон мутахассислари ҳамкорлигида олиб борилмоқда. Унинг лойиҳасини тузишда Марказий ва Шарқий Осиё истироҳат боғлари меъморчилиги анъаналарига асосланиб иш кўрилди. Бундай қўнғироқдан Японияда ҳар йилнинг олтинчи августида тантанавор занг урилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сессиялари очилиши олдидан тинчлик қўнғироғи садолари янграйди. Мана эндиликда мустақил Ўзбекистон пойтахти ҳам ўзининг «Тинчлик қўнғироғи»га эга бўлиб турибди.

Янги минора лойиҳасини яратишда ўзбек диёрининг ўзига хос миллий хусусиятлари инобатга олинди. Тошкент ҳокимияти ободонлаштириш бош бошқармаси меъморларидан Искандар Исмоғилов билан Юрий Мирошниченколар ижодий ҳамкорлигида юзага келган лойиҳа бўйича «Тинчлик қўнғироғи» ноёб меъморий дастани ташкил этади. Бунёдкорлик ишларида рангли гранит ва мармардан фойдаланилади.

Рамзий кўринишга эга бўлган улкан қўнғироқ 600 килограмм оғирликдаги бронзадан қуйилади. У Япониядан тайёр ҳолда Тошкентга олиб келинди. Иншоотнинг асосий конструкциялари эса Тошкентдаги сантехника жиҳозлари заводида тайёрланди.

Республика пойтахтининг Бобур номидаги шаҳар маданият ва истироҳат боғидан янги иншоот учун катта майдон ажратилди. Ён-атрофи дид билан безатиладиган ва сўлим гўшага айланадиган бу ҳудуд йирик халқаро тадбиркорлар, миллий байрам тантаналари ўтказиладиган сайлгоҳга айланади.

«Тинчлик қўнғироғи» Тошкентнинг ўзига хос рамзи бўлиб қолади.

А.АЛИЕВ.

Тўй бола
Ш. СУЛТОНОВ олган сурат.



Куз
Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ЙИҒИЛИШДА

Ҳажвия

Ёш ходим фикрларини тасдиқлаш учун қўшимча далиллар келтира бошлади. Унинг сўзларини тинглаб, зал сув қуйгандай жим-жит эди.

– Равон, жуда равон, – унга тикилиб ўйлай бошлади бошлиқ. – Ўзига ишончи мустаҳкам. Ёш мутахассис. Бу кетишда юқоридагиларнинг кўзига ташланиб, яқин орада ўрнимизга номзод бўлиб қолмаса эди. Йўқ, йўқ! Биз ҳам анойилардан эмасмиз. Кресломизга мўралаб қараган нечтасининг обрўсини тўкиб, катта йўлни кўрсатиб қўйганмиз. Эртаиндин қилмишидан қийиқ топиб, пойгакка ўтказиб қўймасам...

–Мунча овози ширадор бўлмаса, – хаёл сурар эди қабулхона котибаси. Ёш ходим тилга олаётган муҳандислик ҳисоб-китобларига алоқадор бўлмасада, у берилиб тингларди. – Келганидан буён ҳаммага бирдай ширин муомалада бўлади. Ўзиям бирам ёқимтой. Қани эди бошлиғинг ана шундай хушмуомала, кулиб гапирадиган бўлса...

– Катта кетаяпти бола, катта кетаяпти, – бўлим бошлиғи шошилмасдан кўзойнагини дастрўмолига артар экан, нотиққа синчковлик билан қаради. – Пайтдан фойдаланиб, катталарга ўзини кўрсатиб қолишга қаттиқ ҳаракат қилаяпти. Амалга қизиққан одам шунақа бўлади ўзи. Йўқ, овора бўлмасин бола. Ўзинг кимсану, сакраганинг қаёққа борар эди. Феълим айнимасин, бола, нақ...

– Ўрнидан туриб гапираётган янги болами, – қия очиқ эшикдан мўралаб қараб қўйиб, фаррош хола ишида давом этди. – Яхши оилада тарбия топган кўринади. Ўз иш жойида бирам сариштаки!

– Бунча ўзини кўрсатавермаса бу, – ўйлаб ўтирар эди хонадоши. – Бошқалар ҳам ўйлаяпти. Бошқалар ҳам ишлаяпти. Ҳа, майли, ҳали янгисан-да. Сен ҳам бизга ўхшаб тафтингдан тушиб қоларсан...

– Жон куйдир, – кулиб ўтирар эди бошқаси. – Ўзингни кўрсат, ишла. Жонингни койитиб ишла. Чопа-чопа қолиб кетасан, билдингми? Барибир амал бизга тегади. Буёғини ишлаб қўйганмиз, ука.

...Йиғилиш давом этаяпти. Нотиқ иш сифатини яхшилаш, янги ускуналарни ишга солиниши эвазига қанчадан-қанча сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ундан олинадиган даромад ва соф фойда ҳақида куюниб гапираяпти...

Темур ҲАЙДАРОВ.

«ГЎРЎҒЛИБЕК» СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

«Гўрўғли» достони асосида кўп қисмли бадиий филм суратга олина бошланди. Унинг дастлабки қисмлари Андижон вилояти Булоқбоши ва Хўжаобод туманларининг тоғолди қишлоқларида тасвирга олинди.

Филм режиссёри Анвар Нурматовнинг айтишича, ушбу тарихий-бадиий сериал 60 қисмдан иборат бўлади. У Марказий Осиёдаги туркий халқларнинг қон-қардошлиги, ватанга муҳаббат ҳақидаги мавзуларни тараннум этади. Шунингдек, ушбу филмда халқимизнинг ўрта асрлардаги ҳаёти ўз аксини топади.

Филмнинг уч қисми суратга олиниб бўлинди. Навбатдаги қисмлар Сурхон воҳасида суратга олинади.

«Туркистон-пресс».

АЙЛАНМА КРОССВОРД



1. Абдулла Қаҳҳор қиссаси. (1). 2. Тақинчоқ. 3. Футбол команда. (7). 4. Ширинлик. (2). 5. Сайқал билан пардозланган шарқона нақшинкор бино. 6. Тошкентнинг қадимий даҳаси. 7. Лавозим. (4). 8. Портловчи қурол. (4). 9. Самарқандга қадимги юнонликлар берган ном. (5). Асар яратиш фаолияти. (1). 11. Алишер Навоий ҳукмронлик қилган шаҳар. (2). 12. Ўзбек халқ мақоми. 13. Созанданинг китобий атамаси. (5). 14. Зурриёд. (4). 15. Бинокорлик ашёси, маъдан. (1). 16. Фарғона водийсидаги шаҳар. (1). 17. Ҳукмдор Александр Македонскийнинг шарқона номи. (2). 18. Дунё томони. 19. Қадимий тошотар қурол. 20. Пазандалик анжоми. 21. Шоҳмот бўйича жаҳон чемпионларидан бири. (7).

МУАММОНОМА

Қуйидаги рақамлар жавоб сўзлари тартибини англатади. Уларни қавс ичида кўрсатилган тартибдаги ҳарф билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. 9.3.11.15.13.8.16.10.7.14.4. 20.14.1.15.17. Улардан аён бўлган сўзлар ўзбек халқ мақомига мансуб.

Ф.ОРИПОВ тузди.

ЧЕМПИОННИ ШАРАФЛАШ

бошқа кунга қолдирилди

Футбол айнан шунақа соҳаларга бойлиги билан қизиқ. Эҳтимолки, 2002 йил тақвимини тузган ва Осиё чемпионлар лигаси ўйинлари муносабати билан «Қизилқум» - «Пахтакор» жамоалари учрашувини 7 ноябрга кўчирган пайтда муаллифлар ҳам ушбу матч ишқибозларда бунчалик қизиқиш уйғотишини ўйламаган бўлсалар керак.

Шундайки, Зарафшон шаҳрида ўтказилган мазкур ўйин натижасини бутун мамлакат зўр ҳаяжон билан кутди, десак асло муболаға эмас. Албатта, бунинг исбот талаб қилмайдиган сабаблари бор эди. Агар учрашувда тошкентликлар зафар қучса, у ҳолда мавсум чемпиони муддатидан илгари аниқланиб, биз «Пахтакор» футболчиларини орзули ғалаба билан қутлашимиз мумкин эди.

Лекин ундай бўлмади. Совринли ўринга иштиёқи ўйиндан ўйинга ортиб бораётган «Қизилқум» лоақал ушбу учрашувни бой бермасликка аҳд қилгандек ўйнади. Ва, айтиш жоизки, мақсадига эришди. М. Идиатуллин ва Қ.Ўтабоев томонидан киритилган тўплар томонлар битимга имзо чекажаклигини билдирди. Кўлга киритилган бир очко «Қизилқум»нинг «Насаф»дан бироз ўзиб кетишини таъминлаган бўлса, «Пахтакор» учун эса чемпионлигини расмийлаштириб олишни бошқа кунга қолдириш билан ниҳоя топди.

Бу қачон юз беради, олдиндан бир нарса айтиш қийин. Тақвим бўйича бугун, яъни 9 ноябрда «Нефтчи» ва «Пахтакор» ўзаро рўбарў келишлари лозим эди. Аммо ҳар икки жамоанинг халқаро ўйинда иштирок этиши сабабидан у 4 декабрга кўчирилган. Демакким, биз энди 17 ноябрни интиқлик билан кутишга мажбурмиз. Айнан шу куни «Пахтакор» жамоаси «Самарқанд-Динамо» футболчиларини ўз майдонида қабул қилади.

Эҳтимолки, чемпионни шарафлаш ушбу санага қолдирилгандир...

З.РИХСИЕВ.

Футбол

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Пахтакор»	**25**	**22**	**2**	**1**	**77-12**	**68**
2.«Нефтчи»	**27**	**19**	**3**	**5**	**68-29**	**60**
3.«Қизилқум»	**26**	**17**	**4**	**5**	**62-28**	**55**
4.«Насаф»	26	17	3	6	55-29	54
5.«Металлург»	26	12	6	8	36-32	42
6.«Навбаҳор»	26	12	4	10	45-35	40
7.«Бухоро»	26	12	3	11	34-46	39
8.«Дўстлик»	26	10	2	14	31-38	32
9.«Самарқанд-Д»	26	9	3	14	24-39	30
10.«Андижон»	26	8	5	13	34-51	29
11.«Сурхон»	27	8	3	16	32-48	27
12.«Зарафшон»	26	7	4	15	33-46	25
13.«Сўғдиёна»	26	7	4	15	25-47	25
14.«Машъал»	25	6	5	14	28-50	23
15.«Трактор»	**26**	**6**	**5**	**15**	**29-54**	**23**
16.«Кўқон-1912»	**26**	**7**	**2**	**17**	**26-53**	**23**

Турган-битгани мўъжиза

«КАТТА САНЪАТКОР»

унвони шоҳмот усталарига берилган

XI-XIII асрларда мўғул истилочилари боскини Марказий Осиё халқлари маданияти тараққиётини икки асрга тўхтатиб қўйди. Кейинчалик, кўп жабҳалар қатори шоҳмот санъати ҳам ривож топа бошлади. Масалан, сохибқирон Амир Темур саройида яшаган Али Шатранжий тенги йўқ амалий ўйинчи ва зўр назариётчи бўлган.

1401 йили Дамашқдан Самарқандга келган моҳир усталар ичида Ибн Арабшоҳ ҳам бор эди (Ибн Арабшоҳ 1389 йилнинг 5 ноябрида Дамашқ (Сурия)да таваллуд топган). У соҳибқирон ҳимоясида ўқиб, етук олим бўлиб етишади, кўплаб ўлкаларга саёҳатга чиқади. Хусусан, Олтин Ўрда, Туркия, Арабистонда бўлади. Темур вафотидан кейин, аниқроғи, 1408 йили Самарқандни тарк этиб 1450 йили Миср пойтахтида оламдан ўтади. Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихидан» (1436 йил) китобида соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятидан баҳс юритувчи тарихий маълумотларга бой фактлар келтирилган. Тарихчининг ёзишича, Темур ўз фикрини пешлаш мақсадида бот-бот 110 катакли шоҳмот тахтасида шатранж ўйнаган. Бу шатранж тахтасининг эни ўн бир хона, бўйи ўн хонадан иборат бўлган. Амир Темурнинг шоҳмот ўйнаши ақл-фаросат билан давлат бошқаришида, ҳарбий ишларни тадбиркорлик билан юритишда, айниқса, жанг маҳалида кўп фойда берган. Хусусан, у қачон сипоҳларни жангга ташлаш кераклигини билган.

Иккала кўринишда ҳам оқлар бошлаб, ғалабага эришади. Маҳоратингизни синаб кўринг.

Соҳибқирон ўз салтанатига олимлардан Мавлоно Абдумаликни ҳам олиб келган. У «Ҳимоя соҳиби» (Бурҳониддин ал-Марғиноний) авлодидан бўлиб, мударрислик қилар, шатранж ва нард ўйинларидан таълим берар, шу билан бирга шеър ҳам машқ этарди. Ундан ташқари, Темур саройида донишманд олимлар ва шоҳмот усталари Муҳаммад ибн Али Хайми ва Зайн-ал Язмий, ибн Жалолиддин, шунингдек, энг кучли шатранжчи донишманд Аловиддин ат-Табризийлар ҳам бор эди. Табризий Зайн-ал Язмийга ортиқча пиёда бериб, ғолиб чиқар эди, Ибн Ақилни эса бир оқсоясарой аҳли — оқсуяклар ўқ-ёй отиш, қиличбозлик, ов қилиш, шеър ёзиш ва ҳокозолар қаторида шоҳмотни ҳам яхши билишлари шарт эди. XII асрда яшаган кучли шоҳмотчи Абдулфатҳ Аҳмад томонидан ёзиб қолдирилган рисола Марказий Осиё халқларининг жаҳон шоҳмот маданиятига қўшган улкан ҳиссасидир.

XV асрга келиб, Ғарбий Европада шоҳмот доналарининг номлари ва юришлари ўзгара бошлади. Фарзин ва фил ҳозиргидек узоққа юрадиган бўлди, рокировка қабул қилинди. Шатранж ўрнини астасекин Европа шоҳмотига бўшатиб бера бошлади. Хуллас, асрлар давомида ўзгариб, такомиллашиб келган бу ўйин халқ ижодиётининг ажойиб мевасидир.

Анвар ИНОҚОВ, шоҳмот бўйича спорт усталигига номзод.

(Давоми бор).

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширди - 21.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9161 Буюртма Г— 1019. 1 2 3 4 5 6